

КАШКАДАРЭ. Қарши шаҳрида атроф муҳит мушаррафлигини таъминлаш мақсадида 5 гектар майдонда экологик боғ ташкил этилди.

Табиатдаги турли ноёб ўсимликларни қуйайтириш йўлида мақzur боқа 1800 тупдан зиёд субтропик ва маҳаллий дов-даракт қўчатлари ўтказилди. Боғ парварши баркамол авлод вакиллари — Қарши давлат университети талбалари.

ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЙИ

партия электоратини ўйлантриб келаётган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг муқобил ечимларини топишда фоят муҳим ўрин тутати, дея таъкидланди Ўзбекистон «Адолат» СДП

Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси йиғилишида

(Давоми.
Бошланғич 1-бетда.)

Дарвоқе, партия тadbирлар режасидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида «Ёш инноватор — ислохотларга кўмакдош» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳам ўрин олган. Олий ўқув юртлари талабалари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган мазкур тadbир иқтидорли ёшларнинг турли рационализаторлик таклифлари, техник ишланма ва инновацион лойиҳаларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Йиғилиш қатнашчилари партиянинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросидаги иштирокини янада кенгайтириш, самарадорлигини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Қўзланган мақсадларга тўлақонли эришиш учун, аввало, «Ёш адолатчилар» Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаоллигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

ЯНГИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Маълумки, сиёсий партиянинг ҳудудий ташкилотлари, БПТлар фаолиятини кучайтириш, фаоллигини таъминлаш унинг иш самарадорлигини оширади. Бу, пировард натижада, партия нуфузини юксалтиришга, обрў-эътиборини оширишга ҳисса бўлиб қўйилади. Шу маънода айтиш жоизки, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланади.



Олий Мажлис Қонунчилиқ палатаси ҳамда Халқ депу-

чиққан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати

Партиянинг тadbирлар режасидан «Ёш инноватор — ислохотларга кўмакдош» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳам ўрин олган. Олий ўқув юртлари талабалари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган мазкур тadbир иқтидорли ёшларнинг турли рационализаторлик таклифлари, техник ишланма ва инновацион лойиҳаларини тарғиб этишга хизмат қилади.

татлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар жараёни партиянинг айнан аксарият кўйи ташкилотларда ижро интизомининг бўлишини, улар етакчилирининг сиёсий савияси, ташкилотчилик қобилияти етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Бунинг натижасида имконият бой берилди: вакиллик органларида қўзланган депутатлик ўринлари эгаллашга муваффақ бўлинмади.

— Шу туфайли, — деди мазкур масала бўйича сўзга

раҳбари Равшан Хайдаров, — ҳозирги пайтда кўйи партия ташкилотлари етакчилари ва фаолларини сиёсий ўқишларга жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, биринчи навбатда, барча вилоят Кенгашларида «Ўзбекистон «Адолат» СДП — жадал ислохотлар босқичида» номли семинар-кенгашлар ташкил этиш мақсадага мувофиқ.

Семинар-кенгашларда назарий ва амалий машғу-

лотлар олиб борилади. Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, партия олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, партиявий фаолиятни олиб боришнинг замонавий шакли, усул ва услублари ҳақида атрофлича сўз боради. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларида иш юритиш, аъзолик бадалларини тўплаш ҳамда партиявий тadbирларни уюштириш бўйича амалий билим ва кўникмалар берилди. Мазкур тadbирларни ўтказишдан қўзланган яна бир мақсад — ҳудудий партия ташкилотлари ва улар тасарруфидagi тузилмалар фаолиятининг айна кундаги ҳолатини аниқлашдан иборат. Шу асосда партиянинг жойлардаги тузилмалари ташкилий-сиёсий фаолиятини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тadbирлар мажмуасини ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Йиғилишда мазкур семинар-кенгашларни жойларда юқори савияда ташкил этиш ва ушшоққилик билан ўтказиш борасида яна бир қатор таклифлар илгари сурилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар инobatга олинган ҳолда, семинар-кенгашларнинг давлати ҳамда даврий жадвали тасдиқланди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ҳисобини олиб бориш, аъзолик бадалларини йиғиш, ҳисоботларини юритиш тартиблари (қоидалар) тўғрисида»ги йўриқнома қизгин муҳокама-лардан сўнг тасдиқланди.

Ижроия Қўмита йиғилишида қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қамол АЛЛАЁРОВ,
«Адолат» мухбири.
Носир ХАЙДАРОВ
олган суратлар.

ДАСТУР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА

депутатлик корпусининг алоҳида ўрни бўлиши керак

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда қўрилган инкирозга қарши амалий чора-тadbирлар натижасида 2009 йилда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 фоизга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоизга ўсди. Яна бир эътиборли жиҳат: 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилинди. Бу эса аҳолини ижтимоий муҳофазалашда муҳим омил бўлди.

2009 йилда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш пухта режа асосида олиб борилади. Хусусан, йирик корхоналар томонидан маҳсулотлар таннари 2,7 триллион сўмга пасайтирилди ва умуман саноат тармоқларида маҳсулот таннари 18 фоизга камайди. 50 та экспорт қилувчи корхонага 202,6 миллиард сўм миқдорида банк кредитлари бўйича қарзлар тўлаш муддати кенгайтирилиб (реструктуризация), жарима санкциялари ва пенялари ҳисобдан чиқарилди. Шунингдек, 105,8 миллиард сўм миқдоридagi бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатлари кейинга сурилиб, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши паст даражада сақлаб қолинди.

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицияларни фаоллиқ ўсишини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тижорат банкларидаги устав капитал 43 фоизга ошди. Хусусан, «Ўзсаноатку-

рилишбанк», «Микрокредитбанк», Халқ банки, «Агробанк», Асака банки ва «Қишлоққурилишбанк» устав капиталларига жами 500 миллиард сўмдан зиёд давлат маблағлари йўналтирилди. Тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 триллион сўм миқдоридa ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди. Ҳудудларда қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда асосан кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қўлай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Давра сўхбатда депутатлар мазкур соҳага оид қонун ижодкорлиги фаолиятини янада жадаллаштириш лозимлигига ургў берилди. Айниқса, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурида амалга оширилиши лозим бўлган тadbирларнинг ижросини таъминлашда, Юртбошимиз парламент қўйи палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда депутатлик корпусининг алоҳида ўрни бўлиши кераклиги алоҳида эътироф этилди.

қуйида 2009 йил якунлари бўйича айрим МДХ давлатларининг асосий макроеқтисодий кўрсаткичларини қиёслаш учун келтириб ўтамоиз:

(олдинги йилга нисбатан фоизда)

Мамлакатлар	Реал ЯИМ ўсиши	Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши	Инвестиция ўсиши	Экспорт ҳажми ўсиши	Давлат бюджети дефицити /профицити (% да)	Инфляция
Россия	-7,9	-10,8	-17,0	-44,2	-9,4	8,8
Украина	-15,0	-21,9	-43,7	-48,7	-5,0	12,3
Белорус	0,2	-2,8	-14,7	-38,4	-1,8	10,1
Ўзбекистон	8,1	9,0	24,8	2,4	0,2	7,4

(МДХ давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларидан)

Шунингдек, «Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга оширилишининг 2009 йилдаги асосий натижалари ва 2010 йилдаги вазифалар», «Ташқи бозор конъюктураси ва экспортни рабатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тadbирлар», «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг барқарорлигини ва инвестицион фаоллиқни таъминлашда банк-молия соҳасида олиб бориладиган ишлар натижалари» мавзуларида маърузалар тингланб, муҳокама қилинди.

Давра сўхбатда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давом этаётган бир шароитда Инкирозга қарши чоралар дастурини

амалга оширилишида парламент назоратини кучайтириш ва шунинг баробарида иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш муҳим эканлиги алоҳида тилга олинди. Давлат тузилмаларининг иқтисодий соҳасига асосан аралашувини камайтириш чораларида алоҳида аҳамият қаратиш кераклиги таъкидланди. Қизгин баҳс-мунозара, савол-жавобларга бўй бўлган давра сўхбатда бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилувчи қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик таъминланди. Миллий-маданий анъаналарга мос демократик тамойиллар қарор топди. Шунинг баробарида юртимиз сиёсий ҳаётида ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди. Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли-нуфузи кучайди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Қашқадарё вилояти Кенгаши аъзолари мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тарақиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида алоҳида ташаббус ва ҳозиржавоблик кўрсатишга интилоқдалар. Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-марфий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларда бу жараёнларга бирлашган фаолият юритмоқда. Партия аъзолари-нинг салкам 3080 нафарини хотин-қизлар, 500 нафардан зиёдини ёшлар ва 2 мингдан ортигини зиёлилар ташкил этади. Демак, партия яхшигина салоҳиятга эга, амалий ишларга қодир. Буни 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам исботлади. Умумий ҳисобда 2004 йилда партиядан 13 нафар депутат рўйхатга олинган бўлса, ўтган йили бу рақам икки баробар зиёдор, аниқроғи, 29 нафарни ташкил этиди.

Партиянинг Китоб, Мубо-рак ва Чирокчи туманлари Кенгашлари ўз вақтида ишга янгича ёндашиб, электротар маффаати йўлида ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишгани сайловда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил

бўлди, десак адашмаган бўламиз. Шунинг учун мазкур туманларда «Адолат» СДПдан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўпчилик номзодлар депутат этиб сайланди. Бу айнаи чоғда партиянинг дастурий ёғларини кенг тарғиб этиш ва ҳаётга тadbик қилишининг аниқ имкониятларини юзга келтирмоқда. Чунки Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўпчилик овозга эга бўлиш партия электорати манфаати йўлида муҳим

қарорлар қабул қилинишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши турган гап. Дарвоқе, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, партиявий ишларни талаб даражасида ташкил этишда Китоб туманида етарли тажриба тўпланган. Ҳозирги пайтда туманда партия аъзолари 450 нафарни, бошланғич ташкилотлар сони эса 20 тани ташкил этмоқда. Ҳўш, туман партия Кенгаши мамлакат миқёсида ўтказилган муҳим сиёсий тadbир — сайлов натижалари қонқарли бўлишига қандай муваффақ бўлди?

— Бунга асосан партия-миз сайловолди дастури мазмун-моҳиятини ўз вақтида оммага етказиш, дастурнинг устувор йўналишлари тўғрисида аҳолини батафсил хабардор этиш, кишиларни эзгу ишларга сафарбар қилиш туфайли эришдик, — дейди биз билан сўхбатда туман Кенгаши раиси Зариф Бурҳонов. — Бундан ташқари,

Ўз-ўзини танқид

биргина ўтган йилнинг ўзида аҳолининг кам даромадли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ишсизликни камайтириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг сиёсий оқил, жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қиладиган юзга яқин тadbир ва учрашув-

сайланган депутатлар сонидан ҳам билиш мумкин. Сайлов якунига қўра, номзодларнинг 1 нафари Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, 8 нафари туман Кенгаши депутати сифатида рўйхатга олинди. Бироқ, вилоятнинг барча туман Кенгашларида ҳам ишлар юқори савияда ташкил этилган эмас.

Партия ташкилотлари фаолиятида ҳали-ҳануз ислохотлар талабига мос ишчанлик, изланувчанлик ва ташаббускорлик еттишмаяпти. Масалан, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод ва Миришкор туманлари Кенгашлари томонидан талаб даражасида иш олиб борилмагани, сиёсий жараёнларда тўғри мўлжал олинмагани сайлов натижаларида ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Биргина Нишон туманидаги аҳвол таҳлил қилинадиган бўлса, бу ерда биринчи галда туман Кенгаши ўз вақтида бошланғич ташкилотлар ишини жонлантиришга эътибор бермаганлиги ойдинлашади. Қолаверса, катта салоҳиятга эга бўлган туманда ҳозиргача бор-йўғи 8 та бошланғич партия ташкилотлари тизилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?..

Хуллас, тумандаги бошланғич партия ташкилотларидан маҳаллий

Кенгаш депутатлигига муносиб номзодлар топиш, захирага олиш ва тавсия этишда муайян хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Номзодларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмади, улар зарур пайтда қўллаб-қувватланмади. Партиянинг барча бўғин ташкилотлари ва аъзоларининг фаол иштироки таъминланмади. Ва, энг таассуфланарлиси, Кенгаш фаоллари маҳаллий Кенгашда партиядашларимиз сони қанчалик кўп

ди. Ҳатто туман Кенгаши ўз зиммасидаги масъулиятли вазифага совуққонлик билан қарагани учун Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига бармоқ билан санарли даражада эс омиздорлар кўрсатилди... — Вилоятимизда сайлов демократик тамойиллар асосида, адолатли ўтиди, — дея сўхбатга қўшилди вилоят партия Кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Афсуски, айрим туман Кенгашларимиз фаолиятида

манилик партия фаоли Улугбек Хикматовнинг таъкидлашича, сайлов натижаларидан оқилона хулоса чиқариш, келгуси фаолиятда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф эта бориш мақсадага мувофиқ. Зеро, бундай сазй ҳаракат келгусида муваффақиятларга эришишга хизмат қилиши тайин.

— Партиямиз ўтган вақт ичида тумандаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўша олмади, — дейди у. — Оқибатда Халқ депутатлари туман Кенгашига кўрсатилган номзодларимиз сайловда етарли овоз тўплай олишмади. Бу биз учун катта сабоқ бўлди. Галдаги вазифаларни эса айнан шу асосда белгилаб олишимиз, партиямиз мафқураси ва ёғларига содиқ, унинг дастурий мақсадларини амалга оширишда фидойи инсонларни партия сафига жалб этишимиз талаб этилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг дастурий мақсад ва маслагини, илгари сураётган ёғларини халққа етказишда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, бошланғич ташкилотлари кўмагига суянади. Бу борада, таъкидлаб ўтганимиздек, вилоятнинг бир қатор туманларида айтишга аризуғулик амалий ишлар олиб боришмоқда. Аммо юқорида номлари зикр этилган ҳудудларда аҳвол бутунлай ўзгача. Амалий ишлар қўйилаётган ҳаётий талабларга ҳамоҳанг эмас. Айниқса, бу сайловлар жараёнида янада яққолроқ сезилди. Шу сабабли вилоят партия Кенгаши фаолияти танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Келгусида бу салбий ҳолатлар қайта такрорланмаслиги юзасидан аниқ чора-тadbирлар белгилаб олинди.

Қамил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

ёхуд хатолардан тўғри хулоса чиқариш, уларни ўз вақтида бартараф этиш келгусидаги муваффақиятларга хизмат қилади

тиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозир вилоятда партиянинг 6048 нафар аъзоси 204 та бошланғич ташкилотга бирлашган фаолият юритмоқда. Партия аъзолари-нинг салкам 3080 нафарини хотин-қизлар, 500 нафардан зиёдини ёшлар ва 2 мингдан ортигини зиёлилар ташкил этади. Демак, партия яхшигина салоҳиятга эга, амалий ишларга қодир. Буни 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам исботлади. Умумий ҳисобда 2004 йилда партиядан 13 нафар депутат рўйхатга олинган бўлса, ўтган йили бу рақам икки баробар зиёдор, аниқроғи, 29 нафарни ташкил этиди.

Партиянинг Китоб, Мубо-рак ва Чирокчи туманлари Кенгашлари ўз вақтида ишга янгича ёндашиб, электротар маффаати йўлида ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишгани сайловда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил

қарорлар қабул қилинишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши турган гап. Дарвоқе, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, партиявий ишларни талаб даражасида ташкил этишда Китоб туманида етарли тажриба тўпланган. Ҳозирги пайтда туманда партия аъзолари 450 нафарни, бошланғич ташкилотлар сони эса 20 тани ташкил этмоқда. Ҳўш, туман партия Кенгаши мамлакат миқёсида ўтказилган муҳим сиёсий тadbир — сайлов натижалари қонқарли бўлишига қандай муваффақ бўлди?

— Бунга асосан партия-миз сайловолди дастури мазмун-моҳиятини ўз вақтида оммага етказиш, дастурнинг устувор йўналишлари тўғрисида аҳолини батафсил хабардор этиш, кишиларни эзгу ишларга сафарбар қилиш туфайли эришдик, — дейди биз билан сўхбатда туман Кенгаши раиси Зариф Бурҳонов. — Бундан ташқари,

лар ўтказиб, сайловчиларнинг ишончини қозона олдик, деб ўйлайман. Тарғиб-ташвиқот ишларини кучайтириш борасида давра сўхбатлари, семинар тренинглар ташкил қилинди. Шунингдек, Кенгаш қошидаги Жамоатчилик назорати гуруҳига фуқаролардан келиб тушган бирон бир ариза ёки шикоят эътиборсиз қолдирилмасдан, тегишли мутасадди ташкилотлар ва депутатлик гуруҳи ёрдамида ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Буларнинг барчаси халқимизнинг партиямизга бўлган ишончини ортишига хизмат қилди.

Ҳа, халқ ишончи — юксак масъулият. Қаердаки, партиянинг у ёки бу масала ечимида одамларга нафи тегса, ўша жойда халқ, сайловчилар бу сиёсий кўчга ишонади ва уни қўллаб-қувватлайди. Кито-б туманида партиянинг катта нуфузи ва юксак салоҳиятга эга эканлигини маҳаллий Кенгашларга

Партия ташкилотлари фаолиятида ҳали-ҳануз ислохотлар талабига мос ишчанлик, изланувчанлик ва ташаббускорлик еттишмаяпти. Масалан, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод ва Миришкор туманлари Кенгашлари томонидан талаб даражасида иш олиб борилмагани, сиёсий жараёнларда тўғри мўлжал олинмагани сайлов натижаларида ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Биргина Нишон туманидаги аҳвол таҳлил қилинадиган бўлса, бу ерда биринчи галда туман Кенгаши ўз вақтида бошланғич ташкилотлар ишини жонлантиришга эътибор бермаганлиги ойдинлашади. Қолаверса, катта салоҳиятга эга бўлган туманда ҳозиргача бор-йўғи 8 та бошланғич партия ташкилотлари тизилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?..

Хуллас, тумандаги бошланғич партия ташкилотларидан маҳаллий

бўлса, фаолият самарадорлигини шунчалик ошишини ўз вақтида чуқур тушуниб етмадилар. Шу туфайли кўрсатилган номзодларнинг бор-йўғи 1 нафари Халқ депутатлари туман Кенгашига сайланди. Бу ҳолни вилоят партия Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бехрўзжон Муродов қуйидагича изоҳлайди: — Ҳақиқатдан ҳам, сайлов якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, Нишон туман партия Кенгаши раиси ва аъзолари жиддий синов масъулиятини чуқур англаб иш юрита олишмади. Оқибатда ўта масъулиятли паллада сууст ҳаракат қилинди. Боз устига, партия ёғларини ёшлар ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш, электоратни кенгайтириш, жамоат ташкилотлари кўмагидан самараларни қўлга олишга чирма-чирма ташкилотларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги унутиб қўйил-

жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Асосийси, биз учун жиддий имтиҳон мактаби бўлган сайловдаги иштирокимиздан етарлича сабоқ олдик. Шу кеча-кундузда партиямиз фаоллари ва туман, шаҳар Кенгашлари раислари иш-тироқида фаолиятимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, келгусида бу каби нуқсонларга йўл қўймаслик чораларини кўраётимиз. Биринчи навбатда партиямиз сафини сиёсий етук кадрлар билан кенгайтиришга интиляямиз.

Партия фаолиятини жонлан-тиришда, унинг халқ орасидаги обрў-нуфузини юксалтиришда депутатларнинг жонқуярлиги, фаолли-ги ниҳоятда муҳим. Негаки, партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар кўмагидан фуқароларни қийнаб келаётган кўпгина муаммоларга ечим топса бўлади. Бироқ бунга эришилмас-чи? Биз билан сўхбатда бўлган Нишон ту-

ИЖТИМОИЙ СОҲАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

такомиллашувида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси вазифалари ва улар ижроси йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар ҳусусида

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда.)

Иш билан бандлик тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида, таълим тўғрисида, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар бозорга ўтишининг мураккаб шароитларида аҳолининг энг муҳтож табақалари манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишга, балки одамларнинг маънавий, ижодий имкониятларини намойён қилишга, ислохотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон берди. Буларнинг ҳаммасида мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси — давлат ва жамият ҳаётининг асосий қонуни қабул қилингани қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди.

Давр ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини тобора такомиллаштириб бориш вазифасини ҳам қўя бошлади. Бу ҳол Ўзбекистонда таркиб топган мавжуд сиёсий қушлар — сиёсий партиялар олдига ҳам масъулиятли талаблар қўйди.

Жумладан, «Адолат» СДП мамлакатда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, қучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок эта бошлади. Ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашнинг қучли воситасини яратишда мамлакат раҳбариятининг стратегик йўлини қўллаб-қувватлади ва бу йўлда унга яқин кўмақдошлик қилди. Хусусан, ижтимоий ёрдамни унга муҳтож бўлган шахсларга бериш, бундай ёрдамнинг аниқ мақсадага йўналтирилганлигини қучайтириш, на-

фақалар ва бошқа тўловлар тизимини аҳолининг реал даромадлари билан боғлаган ҳолда уйғунлаштириш ҳисобига ижтимоий ёрдамнинг таъсирчанлигини ошириш ташаббускорларидан бўлди.

Масалан, партиянинг ўтган — 2009 йил 5 ноябрдаги V Қурултойида қабул қилинган сайловолди дастурида алоҳида қайд қилингандек, аҳолининг ҳаддан ташқари камбағаллар ва бойларга бўлиниб табақаланишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш — партиянинг асосий вазифасига айланди. Бир сўз билан айтганда, «Адолат» СДП ўзини аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қучли давлат қўламли қўллаб-қувватлашга қодир куч деб билди ва бугунги кунда ҳам у айна шу позицияда турибди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари «Адолат» СДПнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Айна кезда, партия — ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билангина ҳал этиб бўлмаслигини яхши билади. Шу сабабли, «Адолат» СДП меҳнаткашлар ва иш бевуричлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, қорхоналарда ишчиларнинг меҳнат шартонларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қўламли базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Агар ўқиган бўлсангиз ёхуд эсингизда бўлса, муҳтарам Ўзбекистон халқи 1996 йилдаёқ «Ватан саждагоҳ каби

муқаддасдир» китобида шундай ёзган эди:

«...Ялли ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида изчиллик билан ўтиш мақсадага мувофиқ деб топилди.

Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қоида-си янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди.»

Бугунги кунда асос қилиб олинган айна шу — янгиланган ижтимоий сиёсат ижтимоий соҳанинг асосларини ташкил этмоқда дейишга том маънода асосимиз бор. Ҳўш, бу асослар нима-ларда кўринади? Бу асослар ислохотларнинг, хусусан, ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган қонун ижодкорлигида ёрқинроқ кўриниб турибди, десак янгилимаган бўламиз.

Фикримиз тасдиғига давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма Мажлисида қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда қараш керак бўлади, албатта. Маърузада айтилдики, Ўзбекистон олдидан турган устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда Парламентимизнинг олдинги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди. «Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сифат ва асослигини тубдан яхшилади», — алоҳида урғу билан таъкидлади Ўзбекистоннинг Умумдавлат ва минтақалар ўртасидаги муносабатли ва уйғунлик янада самарали таъмин-ламоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият, вакиллик органи фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.»

Берилган бу баҳо ва бу таъриф Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палата-

сида фаолият кўрсатаётган фракцияси фаолиятига ҳам бевосита тегишлидир, албатта. Шу нуқтаи-назардан, фракция бугунги кунда Президентимиз йўл-йўриқларига асосланиб, ўзининг палатадаги янги таркиби билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида қисқа ҳамда ўрта муддатли стратегик вазифаларни белгилаб олган. Масалан, қонун ижодкорлиги фаолияти борасида 20 дан зиёд қонунлар ташаббуси билан чиқиб кўзлаб турибди.

Яна бир жиҳати Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида — истиқлол йилларида мамлакатимизда — жамиятимизда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини қайд этган ҳолда, хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишнинг қучайтириш каби кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори бўлиб қолишни баён этган. Зеро, мамлакат келажаги, бахт-саодати ва унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида маънавий юксалиши учун бўлгани каби, партия-миз учун ҳам хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча баҳоларида жалб этиш, чуқур бил-лим ва касб маҳоратиغا эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш — низо-ятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида партиямиз учун сайловолди дастурида қайд қилингандек, «Демократик ҳуқуқий давлат ва адолат-ли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.» Қолаверса, бу мақ-

сад ҳам — ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари сирасига киради.

Айна шу жиҳатдан қараганда, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳоли, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда қасба уюшмаларининг ролини ошириш, қишлоқ жойларида аёллар тадбиркорлигини ривож топтириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, одам савдоси билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш, мактабга таълим иштибоқларини белгилаб олиш сингари кўпдан-кўп масалалар юзасидан «Адолат» СДП фракцияси ўзининг назорат-таҳлил фаолияти орқали Парламент сўровлари ва Парламент эшит-тувлари ташкил этишни режалаштиргани муҳим аҳамиятга эгадир.

Партия жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ўз иштишларига қўра, сайловолди дастурида суд ҳокимия-ти оёрсини мустаҳкамлаш, суд мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтириш вазифаларини ҳам олдимизда турган беш йилликнинг энг муҳим вазифа-ларидан бири — пировардида уларнинг ижроси ҳам бевосита ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараё-нларига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Чунки, Президентимиз «Қучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар» — деганларидек, қучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаса — адолатлик гоёси амалга ошмайди, бар-чаннинг қонун олдидаги тенглиги таъминланмайди, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя топ-майди ва ҳақозо... Шу боисдан ҳам бу йўналиш партиямиз фрак-цияси ва барча (қуйи ҳамда

юқори) даражадаги депутатлари-миз фаолиятининг энг асосий бош йўналиши бўлиб қолавера-ди, албатта.

Давлатимиз раҳбари 2008 йил 15 июлда «Инновацион лойиҳалар ва технологиялар-ни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бо-расидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекканидан хабарингиз бор. Бу қарор бугунги кунда партиямизнинг ташаббуси бўлган — инновация ва иннова-цион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, олимларимиз қатнаган ва ярат-ётган ихтироларни, янгиликлар-ни, кашфиётларни ҳаётга му-ваффақиятли татбиқ этиш, ху-сусан, «Баркамол авлод йили»-да иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кўпроқ жалб этиш имконини бермоқда. Демак, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мамлакат Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасидаги фракцияси олдида — бу йўналишни ҳам яна-да такомиллаштириш вазифаси турибди. Негаки, бу йўналишда эришилган ҳар бир иқтисодий ютуқлар, аниқроғи, иқтисодий кўрсаткичлар мамлакатимизда «Инқирозга қарши чоралар» Давлат дастури талаблари иж-росига бевосита ҳам, билвосси-та ҳам хизмат қилади. Зотан, бу йўналиш мамлакатни модерниз-ция қилишда ва ижтимоий соҳа-нинг ҳуқуқий асосларини та-комиллаштиришда жуда катта ўрин тутди.

Мухтасаргина айтидиган бўлсак, фракциямизнинг белги-лаб олган ақин ва ўрта муддат-ли стратегик режаларида бири бўлган ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш масалалари — мам-лакатимизда кечаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислохотлар билан ҳамоҳангдир.

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

Эл соғлиги — юрт бойлиги



Ғулом ХИДИРОВ олган сурат.

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида қўллаб-қувватланган ши-фохоналар самарали фао-лият кўрсатмоқда. Фарғона вилоят перинатал маркази ҳам ана шундай тиббий му-ассасалардан биридир.

Замонавий тиббий жи-ҳозлар, асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган перинатал марказда айна кунда 36 нафар врач, 222 нафар ўрта тиббиёт ходим-лари меҳнат қилимоқда. 2 та акушерлик бўлими, реани-мация ва чақалоқлар интен-сив терапия ҳамда ҳомила-дор аёллар патологияси ва гинекология сингари бў-лимлар ишлаб турибди.

— Тиббий муассасамиз-да 2004 йилдан бошлаб «Янги туғилган чақалоқлар реанимацияси» ва уларни парвартиш» дастури асо-сида олиб боришмоқда, — дейди перинатал марказ бош шифокори, олий тои-фали врач Флора Исмоло-ва. — Натijaда чақалоқ-лар асфикцияси ва касал-ланишлари физи бирмун-ча камайишига эришилди.

Перинатал марказ то-монидан аёлларнинг репро-дуктив саломатлигини сақ-лаш, соғлом турмуш тарзи-ни тарғиб қилиш борасида ҳам қўллаб-қувватлаш иш-лари олиб боришмоқда. Бун-да қишлоқ жойларида ўткази-лаётган турли тадбирлар яхши самара берапти.

Суратда: ёш оналар пе-ринатал марказ шифокори-дан маслаҳат олмақдалар.

ҚАРОР ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Чортоқ туманида Президентимиз-нинг «Она ва бола саломатлигини му-ҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакл-лантиришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги, «2009-2013 йил-ларда аҳолининг репродуктив сало-матлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиш, жисмоний ва маънавий бар-камол авлодни воқеа етказиш бора-сидида ишларни янада қучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарорлари иж-росини таъминлаш мақсадида кенг тушултириш ишлари олиб боришмоқ-да.

Бу борада туман Хотин-қизлар қўмитаси, Тиббиёт бирлашмаси ва

Саломатлик маркази, маҳаллалар, шунингдек, «Адолат» СДП туман Ке-нгаши фаоллари ва маҳаллий Кенгаш-даги депутатларнинг ўзаро ҳамжиҳат-лиги, ҳамкорлиги яхши самара бер-моқда. Айниқса, ҳеч қаерда ишламай-диган, ўқимайдиган ёшлар онгиде соғ-лом оила муҳитига тайёргарлик туй-ғусини уйғотиш, уларда тиббий, ҳуқуқий, ахлоқий билим ва кўникма-лар ҳосил этиш учун Саломатлик мар-кази қошида ташкил этилган қисқа муддатли, амалиётга асосланган ўқув курслари қўйилганидан-да ижобий на-тижалар ҳосил этди.

Чортоқ шаҳрида ўтказилган «Соғ-лом оила — фаровон келажақ» мавзу-

идаги қўриқ-танлов ҳам юқорида қайд этилган қарорлар тарғиботида ҳамда Бар-камол авлод йилига бағишланди. Ёш бе-лашувчилар турли шартларга қўра ўқув курсларида эгаллаган билим ва кўникма-лари буйича синовдан ўтдилар. Улар то-монидан ёшлар ўртасидаги ахлоқий тар-бияга оид муаммолар масалаларнинг ўзи-га хос маҳорат билан саҳна кўринишлари орқали намойиш этилиши катнашчилар-да катта таассурот қолдирди.

Танлов фойдалари туман партия Ке-нгаши ҳамда Чортоқ шаҳридаги «Само-Хайрат» масъулият чекланган жамияти томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Иқтисод ва ислохот

НАМКОРБАНК

Зеро, бугунги кунда иқтисодиётимиз самараларини уларнинг саъй-ҳаракатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг ақиядор-лик тижорат «Ҳамкорбанк» фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ҳозир уларнинг филиаллари сони 25 тага етиб, шохобчалари сони ҳам борган сари ошиб бормоқда.

«ҲАМКОРБАНК» — ЯНГИ АСР БАНКИ

Эътиборингизни «Ҳамкорбанк»нинг Термиз шаҳар филиали фаолиятига қаратмоқчимиз.

— Одамлар акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»ни — «янги аср банки» дей-ишмоқда, — гап бошлади филиал бош-қарувчиси Гайрат Жумаев. — Банкми-зи Андижон шаҳар амалиёт бошқармаси тасарруфиде ташкил топган бўлиб, иш фаолиятини ўз номига монанд ҳамкор-лик асосида бошлади. Илгори банклар-дан қолишмайдиган иншоот ва замона-вий жиҳозларга эгамиз. Мижозларимиз ҳам, шохобчаларимиз ҳам ортиб бор-моқда. Бугунги кунда Термиз шаҳрида 4 та, Денов, Жарқўрган, Шеробод, Ан-гор туманларида 2 тадан намунали шо-хобчаларимиз бор. Ўтган йили Ангор тумани ва Термиз шаҳрида чакана хиз-мат кўрсатиш шохобчасини ҳам фойда-ланишга топширдик...

— Аҳолига замонавий хизмат кўрсати-шинг қандай турлари яратилган?

— Хусусан, «Баркамол авлод йили»-да аҳолига, яъни, мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий сифат кўри-нишларини муайён қилиш режалари-ни туздик. Жумладан, уларга кўчмас мулк дастгоҳлари, полиграфия ва сав-до ускуналари, ишлаб чиқариш мини-технологиялари, қурилиш техникала-ри ва автотранспортлари, озик-овқат

Мамлакатимизда фао-лият олиб бораётган ҳар бир банкнинг ўз ўрни ва салоҳияти, тараққиети-миз йўлида белгилаб ол-ган аниқ мақсади бор.

Зеро, бугунги кунда иқтисодиётимиз самараларини уларнинг саъй-ҳаракатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг ақиядор-лик тижорат «Ҳамкорбанк» фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ҳозир уларнинг филиаллари сони 25 тага етиб, шохобчалари сони ҳам борган сари ошиб бормоқда.

— Термиз шаҳрида 11 та турли банк филиаллари орасида «Ҳамкорбанк» фи-лиали сермижозлигининг қандай сири бор?

— Банк мижоз танламайди. Аксин-ча, мижоз банк танлайди. Бу, аввало, банкнинг мижозлар билан муомала маданиятига, ўзаро муносабатларга, ишда ходимлари ўртасидаги тартиб ва интизомга боғлиқ. Биз ўз фаоли-ятимизда ана шу мезонларга қатъий амал қилаяпмиз. Натijaда, ўтган йили барча кўрсаткичларимиз ортиги билан бажарилгани боиси ҳам шун-да. Кредит беришнинг янги-янги тур-лари қўлайиши билан, жойларда юз-лаб янги иш ўринлари ҳам яратил-моқда. Мана шуларнинг ҳаммаси бан-кимизнинг исми жисмига мослиги ва мижозларимизга чинакам маънода ҳамкор эканлигимизни далиллаб ту-рибди...

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири. t

ДУНЁ КЎЗГҶСИ

ТАБИИЙ ОФАТ ТАЛОФАТЛАРИ



Чет эл оммавий ах-борот воситаларининг хабар беришча, Вьетнамда содир бўлган қучли сув тош-қини етмишга яқин одамни ҳаётдан олиб кетган.

Хабарларга қараганда, тошқин оқибатида ўнлаб кишилар бедарак йўқол-ган. Табиий офатдан мамлакатнинг, айниқса, Фуеин, Биндин ва Кхан-хоа туманлари катта та-лофат кўрган. Тўққиз мингдан ортиқ турар жой бинолари, юзлаб гектар экин майдонлари сув ост-ида қолиб кетган.

Айна пайтда тошқин-дан зарар кўрган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда. Қўтқарув ишлар давом эттирилмоқда.

ТУРАР ЖОЙЛАР ЭЛЕКТРСИЗ ҚОЛДИ



Қучли шамол тури-ши ва қор ёғиши на-тижасида Буюк Бри-танияда 70 мингга яқин турар жойлар электр энергиясидан узилиб қолди.

Айниқса, Шимолий Ирландияда 48 минг, Шотландияда эса 20 минг уйни электр энер-гияси билан таъминлай-диган тармоқларда но-созлик келиб чиққан. «Northern Ireland Electricity» компанияси ва-килларининг сўзларига қараганда, электр таъми-нотидаги узилишларни тиклаш учун бир неча кун муддат керак бўлади. Қучли қор бўронлари йўлларда автомобил катновига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шунин-гдек, қўллаб автоҳало-катларга сабаб бўлди. Шотландиянинг Жанубий Ланаркшир вилоятида мактаб автобуси ағдари-либ кетиши оқибатида бир киши бевақт вафот этди.

СОТУВ ҲАЖМИ ОШДИ



«Ведомости» га-зетасининг ёзиши-ча, Россиянинг «АвтоВАЗ» компа-ниясини шу йилнинг март ойи давомида 32 мингта автомо-биль сотган. Бу февраль ойидаги кўрсаткичдан 60 фоизга кўп демак-дир.

Савдо ҳажмининг ошиши автомобиллар-га мавсумий талабнинг ортгани ҳамда мамла-катда давлат утилиза-ция дастурининг қучга кириши билан баҳолан-моқда. Ҳозирги пайтда компаниянинг «Лада» русумли автомашина-сини харид қилиш буйича маъзур давлат дастури иштирокчила-ридан кўп талабнома-лар тушмоқда.

Интернет хабарлари асосида ТДУИ талабаси Равзатупло ОДИНАЕВ тайёрлади.

2010 йил

Баркамол авлод
или

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Комилликни орзу қилмаган, баркамол фарзандни вояга етказиш ҳақида қай-ғурмаган халқнинг келажаги маъхумдир. Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Шарқда фарзанд тарбияси доимо оила ва жамиятнинг асосий масалаларидан бири деб қаралган. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун халқни, жамиятни юксак тараққиёт сари етаклаган.



Қўғарчоғин бешак ёнида,
Тутиб турган қизча беҳад шод.
Назарида, айла айтди у —
Бўлсин дея баркамол авлод!

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясида бой миллий, тарихий анъаналар, халқ урф-одатлари ва умумбашарий қадриятларга асосланган самарали педагогик тарбия воситалари мукаммал ишлаб чиқилган. Таълим-тарбияда илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, айниқса, ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги кунда одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Маълумки, ўсмирлик даври ёшларда ақлий, ахлоқий, эстетик ўсиш даври саналади. Ёшлик даврининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, уларда ўзлари учун намуна бўларлиқ шахсларга интилиш мойиллиги кучаяди. Ҳаётда, кинофильмларда, бадиий адабиётларда учратган қаҳрамонлари билан ўзининг қазилатларини таққослаш, ўзи учун идеал саналган инсонлар хатти-ҳаракатларига тақлиддан ёндошиш ҳисси пайдо бўлади. Шунингдек, ўз тенгдошлари даврасида қайсидадир жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туриш, кўпчиликнинг диққат марказида бўлиш истаги ҳам кўпроқ ўсмир ёшларга хос ҳислатлардир.

Шу сабабдан ўсмирларда баъзан узоқни кўра олмаслик, шовша-шовшарлик билан ҳулоса

чиқариш, ақл-идрокдан кўра ҳиссиётларга берилиб иш туттиш ҳолатлари кузатилади. Бугунги кунда «оммавий маданият» деб аталмиш турли хил «удум»ларнинг ёшларимиз ҳаётига кириб келиши ҳам уларнинг ҳали тўла шаклланиб улгурмаган онг-у тафаккурида фарб турмуш тарзига тақлиддан эргашувчанлик кайфиятини уйғотмоқда. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида ёшлар онгига миллий онг ва маънавий қадриятларни сингдириш, бой тарихий меросимиз анъаналарини кенг тарғиб қилиш биз — катталарнинг кундалик бурчимиз саналади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб бера оладиган жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлод бўлиб улғайишлари учун барча зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар ўз ифодасини топган.

Дастурининг 3-4 бўлимларида таълим тизimini тақомиллаштириш ва сифатини тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида ўрин ажратилганлиги ҳам таълим-тарбия ишининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб турибди.

«Келажақ бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажақ бой берилмади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямай-

миз». Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг истиқлол-мизнинг дастлабки йилларидаёқ айтган ушбу сўзлари бугун ҳам ўз салмоғи ва аҳамияти билан қадрлидир. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ри-вожлантириш умуммиллий дастури юқоридаги фикрларнинг амалдаги тасдиғидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод орзуси», «Маънавий юксалиш йўлида», «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз», «Юксак маънавият — энгилмас куч» каби асарлари Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг баркамоллик руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар тарбиясида таълим муассасалари билан бир қаторда оила, маҳалланинг ўрни бекиёс-лиги барчага аён. Халқимизда «куш уюсида кўрганни қилади» деган нақл бор. Шунга қўй бола, аввало, оила бағрида ўлғайиб, вояга етати. Ҳаётга, одамларга бўлган муносабати, атроф-муҳит ҳақидаги илк тасаввурлари ҳам айнан оила муҳитида шаклланади. Отана бўлиш бахти қанчалик шарафли бўлса, фарзандлар тарбияси ундан да масъулиятли бори эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

«Бировни ўргатишнинг, ўзинг

ўргатишинг учун лозим бўлган кўра ҳам кўпроқ ақл керак», деган экан файласуфлардан бири. Фарзандларимизни замон талабларига жавоб бера оладиган, зукко, фаҳм-фаросатли, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш учун ҳам биз — катталар ҳар жиҳатдан уларга ибрат бўлмоғимиз талаб этилади.

Ёшларга маънавий-маърифий тарбия бериш жараёнида уларнинг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш, фаолиятини давомиди йўл қўйган хато ва камчиликларига нисбатан танқидий ёндашувни қарор топтириш, ўз хатти-ҳаракатларини холис баҳолашга ўргатиб бориш, шунингдек, эришган ютуқларни орқали рағбатлантириб туриш ҳам ёш авлод дунёқараши-нинг шаклланишида, ҳаётга тегаран муносабатда бўлишида ёрдам беради.

Фарзандларимизнинг иродали, имон-эътиқодли, мустақил фикрли инсонлар бўлиб улғайишида таълим муассасалари билан бир-га, оила — маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Келажақка ва ўзига ишонч руҳи ёшларимиз онгига ислохотлар самараси ўлароқ кун сайин ортиб бормоқда.

Юсуф ЗИЁДОВ,
«Adolat» мухбири.

АҚЛ —
ОФТОБ...

Ҳаётдаги энг бесамар нарсаси — бойлик. Энг катта эзгулик — ақл. Шунинг учун, одамлар ибтидодан интиҳогача кучга бўйсунганлар-у, ақлга итоат этганлар. Донишлар ҳам: қудрат — ақлда, деганлар. Ақлсиз бош — пиликсиз чирок...

Бир укаҳоним бор. Ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрган... Бир гал у ишона-сидидаги мундайроқ бир амалдор билан чиқишмоқда бўлганда, унинг жанжалга, фитна ва ичкоруликка мойил — бетайин одам эканлигини айтиб қолди. Буни қарангки, мен ҳам у айтган ўша кимсанинг «қуюшқон»га сиғмас хатти-ҳаракатларини илгари ишлаб кетган бошқа ишоналаридидаги касбдошларидан унда-мунда эшитиб юрдим.

— Биламан, танийман, пулдор йигит, — дедим уни юпатиб. — Саводи мундайроғу, аммо тижорий йўл билан «соққа» топишга қир-шимиллар хилдан. Лекин, биласизми, пулдор одамлар бироз кўроқ бўлишади. Эрта бир кун «миси» чиқиб қолишдан доим хавотирда юради. Шунинг учун улар мард кишиларга қараганда кўпроқ жанжал чиқаришга равиш. Ундайлар, одатда, тасаввуридида арзимас нарсалар учун ҳам атрофдагилардан ранжиб, хезланиб, уларга соғуқ муносабатда бўлишади. Ўзи тайин бир иш қилмайдими, кун бўйи бақриб-чақириб, гўё «иш боши»лик қилиб юришга ўч... Энг ёмони, нуқул амал-парастлик ҳаёли билан яша-шади ва ҳар бир қадамда амалини пеш қилишни ҳуш кўради. Ўзига ёқмаганларни «кавиши»ни тўғрилаб қўйиш пайига тушади...

Сиз ортиқча хафа бўлманг, — давом этдим бироз сукунатдан сўнг, — бу ҳол базилларга аслида «қўдоғида теккан касал...» Ҳаммаси ўтиб кетади... Жанжалга ўзи фақат икки қиш керак, лекин, сиз ҳеч қачон уларнинг бири бўлманг. Амалига, пулига, ишонганлар узоққа чопа олмайд, югургани сомонхонага...

— Шундай дейсиз-у, лекин улар ўша сомонхонага-ча бўлган амалининг кучи, пулининг «мадади» билан қанча-қанчаларнинг юрагини қон, кўнглини ҳуфтон қилиб улғурди-да, — дий-даланди у яна алам билан. Мен унга ана таскин бермоқчи бўлиб, аввалига ус-

тод Абдурахмон Жомийдан икки мисра шеър ўқидим:
Бойликдан керилмоқ — ақлдан нари,
Чунки у ўткинчи булут сингари...

Ва дедим: амалидан кери-рилиш ҳам бойлигидан кери-лишдай гап. Иккиси ҳам ўткинчи, иккиси ҳам булутга қиёс... Осмонга қаранг (ни-гоҳини кўкка қаратдим унинг), анави булут баягина ҳув на-рида эди, етиб келиб, офтоб юзини тўсди ва унинг нурла-рини хиралаштириб қўйди. Озроқ ўтиб, шамол булутни ҳайдайди, қарабсизки, кўк юзида яна офтоб... Амалга, бойликка, манманликка бе-рилган кимсалар ҳам булут сингари... Вақт ўтиши билан ақл яна қолди, яна музаф-фар бўлмоғи муқаррар. У — офтоб!

УМИД

Тирикмисан, ҳали ҳеч нарсани йўқотмагансан
Ромен Роллан

У ҳамма нарсани бой берганди: хотин, ор-номус, оила, ҳовли-жой, мол-мулк... ҳаммасини...

Вужуди толиқди. Шу қадар толиқдики, асаблари қақшади, қалби азоб чекди. «Юрасаним эзилди... вақт ўтапти, умр кетаяпти... кей-ин кеч бўлади» — дейишди одамлар. «Йў! — деди у қатъий, — қабр ёқасида ҳам умид билан яшайман...»

Шундай қилди. Юраги ёрилиб кетмаслиги учун умидини қалқон тутди. Ба-гри куйган кезларда Саъдий Шерозийнинг:

Дилинг куймасин ноумид-лик билан,
Ёруғ кун туғилгай қаро ке-чадан, — деган сатрларни хиргойи қилди ва «тирикман-ми, ҳали ҳеч нарсани йўқот-ганим йўқ» деди ўзига-ўзи.

Орадан йиллар ўтди. У барча дард, ўкинч, алам, азоб, афсус ўткинчи бўлиб, улар инсон қалбига илди-з отмайдиған мусибатлар экан-лигидан умид қилди. Бахтсиз-лик, дарбадарлик деб тушу-ниб эътибор, билим манбаидан узоқроқ етаклаб кетди... Бугун мен ҳам ҳаммасим ҳикоясини эслаб, мулоҳаза қиламан: ўриннинг чала синик шохчалик бўлганма-ётган, ўзлари соғ-саломат бўлиб, фарзандларини меҳр-муруватдан бенасиб яша-ларига мажбур этаётган, ўқитиб болалар уйига қол-дириб кетаётган ёҳуд шун-чаки ўз ҳолларига ташлаб қўётган ота-оналар бугунги дорилоним замонда ҳам бор-лигидан ачинасан, киши. Жуда-жуда ачинасан...

МУШОҲАДА

Китобсиз уй —
жонсиз танадаи гап.
Цицерон

Ёш бир ҳамкасбим ҳи-коя қилиб ёзувди: «Китоб-лар сотилаётган шохобча ёнидан ўтаётганим, бир болакай онасига: «ойижон, мана бу китобни олиб бе-ринг, қизик-қизик эртакла-ри бор, ўртоғимда кўрган-ман» — дея ялинди. Ойиси эса: «Нима қиласан шу ки-тоб-питобни, уйда компью-теринг бор, кўраверасан» — деб ўшқириброқ узоқроқга етаклаб кетди. Кузатиб ту-риб, ёшлимда бобом би-лан бог айланиб юриб, раҳ-матли (илоҳо, жойи жаннат-дан бўлган бўлсин!) айтган бир гапни эсладим: шигил-шигил мевасини кўтарол-май шамолда синган ўрик дарахти шохи ҳали ерга бу-тунлай узилиб тушмасдан, танасига илиниб турарди. «Қара, — деди бобом, — синса ҳамки, жонивор, ғу-раларининг пишиб етилиши учун тананга илиниб, қуш зийсига тутиб турибди... Ба-мисоли ота-онадай...» Ота-она ҳам ўзлари то эғлииб қолгунларича фарзанд-ларини ўстиради, едириб-ичиради, кийинтиради, тар-бия қилади... Илми, ҳунар-ли бўлиши йўлида не куй-ларга тушмайди...»

Йўл-йўлакай боғи аёл-нинг боласига ўшқирғи қулоғим остида яна бир бор «оҳанг» берди. Мушобада қилдим: ўша аёл (ўша она!) бобом ачинаган ярим синик ўрик шохчалик бўлмади...

У фарзандини мисли илм зийсидан, билим манбаидан узоқроқ етаклаб кетди... Бугун мен ҳам ҳамкасбим ҳикоясини эслаб, мулоҳаза қиламан: ўриннинг чала синик шохчалик бўлганма-ётган, ўзлари соғ-саломат бўлиб, фарзандларини меҳр-муруватдан бенасиб яша-ларига мажбур этаётган, ўқитиб болалар уйига қол-дириб кетаётган ёҳуд шун-чаки ўз ҳолларига ташлаб қўётган ота-оналар бугунги дорилоним замонда ҳам бор-лигидан ачинасан, киши. Жуда-жуда ачинасан...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Фақат футбол ҳақида

КИТЪА ЧЕМПИОНАТИ
ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

AFC U-16

иккинчи марта Ўзбекистонни танлади. Ёдингизда бўлса, 2008 йилнинг кузида ҳам айнан Тошкент китъа биринчили-лигига мезбонлик қилганди. Бу гал Австралия, Эрон, Яман, Иордания, Таиланд, Индонезия, Жанубий Корея мамлакатлари мусобақа мезбонлигига давъогарлик қилишди. Сўнгги босқичга улар орасидан Эрон ва Ўзе-бистон етиб келди. Якуний овоз бериш вақтида ОФК мусобақа ўтказиш қўмитаси аъзолари Ўзбекистонни тан-лашди.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати 24 октябрь — 7 ноябрь кунлари Тошкентдаги «Жар» ва «Пахтакор» ста-дионларида бўлиб ўтади. Шу кунлари саралаш босқичи-дан муваффақиятли ўтган 16 та жамоа бош соврин учун кураш олиб боради. Булар — Ўзбекистон, Тожикистон, Қувайт, Эрон, Сурия, Ироқ, БАА, Иордания, Япония, Индонезия, Хитой, Шарқий Тимор, КХДР, Вьетнам, Ав-стралия ва Уммон.

МЕССИ — ЙИЛНИНГ
ЭНГ БОЙ ФУТБОЛЧИСИ

Испаниянинг «Барселона» клу-би ҳужумчиси Лионель Месси ўтган йили жа-ҳоннинг энг бой футболчисига ай-ланди. Франция-нинг «France Football» наشري тузиб чиққан рейтинг натижа-лари шундан да-лолат берди.

Ўтган мавсум якунларига қўра, аргентиналик футболчи-нинг даромади 33 миллион еврога ташкил этган. Сўнгги тўққиз йилдан бери қучли бешликдан ўрин олиб келаётган Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм 30,4 миллион евро ишлашга муваффақ бўлган.

Рўйхатда учинчи ўринни Испаниянинг яна бир жамоаси — «Реал» аъзоси Криштиану Роналду эгаллаб турибди. Унинг даромади 30 миллион евро. Ундан кейинги ўрин-ларда эса «Реал»нинг бошқа бир футболчиси — Кака (18,8 миллион евро), «Барселона» ҳужумчиси Тьерри Анри (18 миллион евро) жой олган.

Эслатиб ўтамиз, энг юқори маош оладиган футболчи-лар рўйхати «France Football» наشري томонидан 1999 йил-дан бери эълон қилиниб келади. Рўйхат футболчиларнинг клубдан оладиган маошлари, шунингдек, ҳомийлик шарт-номаларида кўрсатилган тўловлар асосида ҳисоблаб чи-қилади.

«БУНЁДКОР» ҲАМ,
«ПАХТАКОР» ҲАМ ЮТКАЗДИ

Ўтаётган ҳафтанинг се-шанба ва чоршанба кунлари китъамизнинг ўнлаб мамла-катларида Осиё Чемпиона-лар лигаси гуруҳ босқичи-нинг навбатдаги, 4-тур учра-шувлари бўлиб ўтди.

Афсуски, дастлабки икки ўйин-да галаба қозонган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси яна мағлу-биятга учради. Аввалги турда Эронда йирик ҳисобда мағлуби-ятга учраган «Калдирғочлар»дан муҳлисус мутахассислар Тошкен-тада фақат ва фақат галаба қутишган эди. Бироқ, «Зоб-Ахан» бу гал ҳам Сколари жамоасини доғда қолдирди. Яратилган вазиятлардан фойдалана олмаслик ҳамда дарвозабон ва ҳимоячиларнинг қўпол хатолари қим-матта тушди: 0:1 — ҳисоб меҳмонлар фойдасига.

Ушбу мағлубиятдан сўнг «Бунёдкор» гуруҳда учинчи ўринга тушиб кетди. Чунки Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси ўз уйда БААнинг «Ал-Ваҳда» жамоа-си устидан йирик (4:0) ҳисобда зафар қўчди ва очкола-рини 7 тага етказиб олди. Энди жамоамиздан 14 ап-рель кунли Саудия Арабистонида ўтказиладиган учра-шувада «Ал-Иттиҳод»ни мағлуб этиш талаб этилади.

ОЧЛдаги яна бир вақилимиз — «Пахтакор» жамоаси ҳам мағлубиятга учради. Эронга сафар уюштирган Миллодгар Радлувиш шогирдлари ўз дарвозасидан жавобсиз икки тўп ўтказиб юборишди. Шунга қарамай, кейинги босқичга чиқиш учун «Пахтакор»да ҳали имконият бор.

Н.ШОМУРОДОВ тайёрлади.



Халқ ҳикмати берди

Ҳар бир инсон борки, авлодлар ҳақида сўз кетса, шубҳасиз, энг аввало, кўз олдида ўз оиласи, ўғил-қизлари, невар, ва эваралари қамолни, баркамол авлоди бахту саодатини келтиради. Зеро, доно халқи-миз ўз мақол ва нақлларидида айтганидек:

- Бола болдан ширин;
- Бола — оила зебу зийнати;
- Боланинг кўнгли подшо;
- Болали уй бозор;
- Ёш бола ширин сўзининг гадоси;
- Фарзанд — ҳаёт гули;
- Мен қуярман боламга, болам қуяр боласига;
- Яхши қиз — ёқадаги юлдуз;
- Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқади;
- Ёшга етган қиз — учирма бўлган қуш;
- Ўрта болта ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи;
- Қизга олтин тахт эмас, бармоқдай бахт тила;
- Қизлик уйга қирқ от боиланар;
- Қизганимнинг боласи — қандак ўрик донаси,
- Ўғилганим боласи — ҳай-ҳай унинг онаси...

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Кенгаш раиси ўринбосари, «Жамият» газетаси Бош муҳаррири Сирожиiddин Рауповга падаири бузуруқвори

ПҮЛАТ БОБОНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Адолат» газетаси тахририяти жамоаси Ўзбекистон «Адо-лат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари, «Жамият» газетасининг Бош муҳаррири Сирожиiddин Рауповга отаси

ПҮЛАТ БОБОНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати

Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Икбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир
ХҲЖАМБЕРДИЕВ,
Мухаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖҲРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб бошиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи — Юсуф ЗИЁДОВ